



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 182 (12.995)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

МУСТАҚИЛЛИК - INDEPENDENCE - MUSTAQILLIK
24
O'ZBEKISTON

Энг улғу ва энг азиз байрамимиз — Мустақиллиқнинг 24 йиллигига бағишлаб пойтахтимизнинг барча туманларида "Тенгсизим, чаманзорим, ягона — Ўзбекистони!" шиори остида халқ сайллари бўлиб ўтди. Шаҳримиз аҳолисининг юзларига, нур таралган бахтиёр чеҳраларига боқиб, Мустақиллик халқимиз учун эркин, бахтли, фаровон ва ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт кечиршига имкон берганини англаш қийин эмас. Шунинг учун ҳам ушбу байрам барчамиз учун энг азиз ва энг қадрлидир.



БАЙРАМ ШУКУҲИ



Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси ва туман ҳокимликлари томонидан ташкиллаштирилган байрам сайллари 11 та майдон, 14 та саҳналарда кўтаринки руҳда ўтди. Чилонзорликлар байрам сайлини Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида фэйз-тароват ила ўтказишди. Боғ ҳудуди гуллар, шарлар, осори-атиқалар, паннолар билан байрамона тарзда безатилади. Боғда янграган карнай-сурнай навалари эса Чилонзор тумани ва шаҳримизнинг бошқа ҳудудлари аҳолини бирдамликка қорлаётгандай таассурот қолдириди. "Ҳақиқий фарзандинг, асл ўзбекман", деб номланган театрлаштирилган композиция, болажонлар учун мўлжалланган "Элим соғлом боласи, Ватаним гул, лоласи" дастури доирасидаги чиқишлар, "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур" мавзудаги спорт ўйинлари байрам иш-

тирокчилари қалбига бир олам қувонч бағишлади. Ёшлар, кексалар оҳанграбо куй-қўшиқларга рақсга тушдилар. Шундай дорилмон кунларга етиб келганимизга минг шукр, — дейди байрам иштирокчиси Одинахон Холиқова. — Ўтган йиллар мобайнида юксак тараққиётнинг ўзига хос истикболли ва нузли йўлларини босиб ўтдик. Биргина туманимиз мисолида амалга оширилаётган улкан ишлар ва ютуқларнинг ўзи диққатга сазовордир. Ушбу гўзал боғда байрам сайлларининг ташкил этилишининг ўзи ҳам бахтиёрлик рамзидир. Мустақиллигимизнинг 24 йиллигига бағишланган халқ сайллари Миробод туманида ҳам ўзига хос тарзда ўтди. Фурқат номидаги маданият ва истироҳат боғида эрта тонгдан янграган карнай-сурнай навалари туман аҳолининг қувончига қувонч улашди. "Истиклол солнома-си", "Ким эдигу ким бўлди?" деб

номланган кўргазмалар, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси санъаткорлари ижросидаги куй-қўшиқлар барчага хуш кайфият улашди. Мамлакатимизда нишонланадиган ҳар бир байрам ўз моҳияти, аҳамияти билан алоҳида ўрин тутди, — дейди Миробод тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Феруза Мадаминаова. — Истиклол, барча юртдошларимиз учун ўз истеъдод ва қобилиятини тўла намойён этиш, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш учун беқиёс имкониятлар яратди. Шунинг учун ҳам ушбу байрам энг азиз ва энг қадрлидир. Шайхонтохурликлар халқ сайлини пойтахтимизнинг энг мафтункор ва болажонлар билан гавжум бўлган ҳудуди — Ўзбекистон Давлат цирки атрофида ўтказишди. Тадбирда эл савоби санъаткорлар, туман маданият ва аҳоли дам олиш марказларининг хушовоз хонандалари томо-

нидан Ватанимизни тараннум этувчи дилрабо куй-қўшиқлар янгради. — Мустақиллик байрамига оилам билан Андижон шаҳридан ташриф буюрдим. Байрам шодиёналари қадри баланд, ёши улғу отахон ва онахонларнинг дуолари остида, келажиги порлоқ ёшларнинг фахр ва ифтихорига тўла самимият билан турган кўзларида акс этгандек гўё, — дейди Адҳам Акбаров. — Пойтахтда ўтказилаётган байрам тадбирлари қалбимизга катта қувонч бағишлади. Истиклолимиз абадий бўлсин, жаннатмакон юртимизга кўз тегмасин. Яккасарой туманидаги байрам тадбири Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида кўнглили тарзда ва жуда мароқли ўтди. Иқтидорли хонандалар Бекзод Рустамов, Сардор Содиков, Ўзбекистон халқ артисти Гулсанам Мамазоитова ижросидаги дилтортар қўшиқлар барчага бирдай манзур бўлди. (Давоми 2-бетда)

XXI аср савоси
Барча мабаладан олинган суҳбат хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Термизда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган ижтимоий акция "Кексаларнинг дуосини олайлик" деб номланди.

• Мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллик байрами арафасида "Ўзқишлоқхўжалик-машлизинг" акциядорлик лизинг компанияси Бухоро вилояти филиалининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

• Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги байрами арафасида Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги Қипчоқ овулида қишлоқ шифохонаси биноси мукамал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Бутунлай янги қиёфа касб этган шифохона биносида 2 миллиард 400 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, замонавий асбоб-ускуналар, ташхис аппаратлари билан жиҳозланди.

ЖАҲОНДА

• Италиянинг Eni нефть-газ компанияси Ўрта ер денгизининг Миср қирғоғи яқинидаги қисмида янги газ кони топишганини маълум қилди. Таъкидлаш жоизки, ушбу кон жаҳондаги энг йирик газ захира-ларидан бири бўлиши мумкин.

• Бошқирдистон Республикасининг Учали шаҳрида қаторасига 22 кун давомида кечалари компьютерда онлайн ўйинларни ўйнаган 17 ёшли ўсмир ҳаётдан кўз юмди. Ушбу ҳолат юзасидан мамлакат тергов бошқармаси томонидан текширув ишлари бошланди.

• Хитойнинг Шаньдун музофотида жойлашган кимё заводида кучли портлаш рўй берди. Жабрланганлар ва вайронагарчиликлар тўғрисида ҳозирча маълумотлар йўқ.

• Исикқўл кўлида Қирғизистон учун жуда кам учрайдиган табиий ҳолат — торнадо қайд этилди. Торнадони кузатганларнинг айтишича, у кўлнинг ўртасида 30 дақиқа давомида айланганидан сўнг, Қаракол томонга қараб ҳаракатланган.

БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ САДОЛАРИ ЯНГРАДИ

Бугун шаҳримиздаги барча таълим масканлари ўқувчиларни ўз бағрига қорлади. Мактабларда янги ўқув йили бошланди.

Тошкент шаҳри бўйича ўғил-қизларнинг билимини бойитиб, баркамол авлод тарбиясида муҳим ўрин тутувчи мактабга илк қадамни босган 45 минг ўрин зиёд биринчи синф ўқувчилари Президент совғалари жамоатчилик вакиллари ва ота-оналар иштирокида топширилди.

Мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш, шу жумладан, мактаб таълимини ривожлантириш, ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. Бундай эътибор ўз навбатида ўқувчиларнинг турли фан олимпиадалари, мусобақаларда ютуқларни қўлга киритишига замин ҳозирламоқда.

Мактабларда янграган қўнғироқ садолари келажакимиз эгалари бўлиши ўғил-қизларни жонажон масканларига қорлаб, уларга кўтаринки кайфият улашди. Биринчи синфга қадам қўйган жажжи ўғил-қизларнинг қувонч чексизлигини юз-кўзларидан кўриш мумкин. Янги ўқув йили шодиёналари Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги тантаналарига улашиб кетди.

Миробод туманидаги 110-умумтаълим мактабида ҳам янги ўқув йили катта шодиёна, байрамона тарзда бошланди. Мактаб ҳовлисида "Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистони!" шиори остида ўтган тадбир ўқитувчилар, ота-оналар ҳамда ўқувчиларнинг қалбига ҳаяжон солди.

Унда сўзга чиққанлар йиғилганларни Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги байрами билан қўлаб, мамлакатимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, халқ таълими тизимидаги ислохотлар, ўқитувчи ва ўқувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш мақсадида ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирлар ҳақида алоҳида тўхталиб, ўқувчиларга улкан зафарлар тилашди.

— Юртимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида 12 йиллик узлуксиз таълимнинг дастлабки ва муҳим бўғини саналган бошланғич таълимни сифат ва мазмун жиҳатдан такомиллаштириш, уни янги босқичга кўтариш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда, — дейди 110-мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Ойбек Қодиров. — Кўни кеча Юртбошимизнинг Мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Ҳеч қачон бўш келманг, азиз болаларим, эртанги кун — келажак сизники" деган сўзлари ҳар биримизга катта масъулият юклаб, келажакда бундан-да катта ютуқларни қўлга киритишимизга замин яратди. Жорий йилда ўқув муассасамизга 410 дан зиёд би-



ринчи синф ўқувчилари қабул қилинди. Уларнинг таълим олишлари учун барча шароитлар яратилган. — Бугунги кўни катта ҳаяжон билан кўтдим, — дейди кўзлари қувончдан порлаб турган Мубина Худойбердиева. — Устозлар берган билимни пухта ўзлаштириш орқали келажакда кўлаб ютуқларни қўлга киритиш мумкин. Мен айнан шу мақсад сари интиламан. Бу каби эзгу мақсадларни қўнғилга туккан жажжи ўғил-қизларнинг ўқишларида муваффақиятлар ёр бўлишини барча бирдек тилади. Ўқувчилар томонидан тайёрланган концерт дастури, рақслар, қўшиқлар, шеърлар барчага манзур бўлди. Ўқувчиларнинг қалбига бир олам қувонч-у ҳаяжон бағишлаган қўнғироқ садолари янгради. Янги ўқув йили барча синфларда мустақиллик дарслари билан бошланди.

Республикамизнинг, шу жумладан пойтахтимизнинг барча умумтаълим мактабларида бу каби тадбирлар кўтаринки руҳда ўтди.

Зарина РУСТАМОВА

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар
Ислом Исмоилов олган суратлар

